



Куч — адолатда

2010 йил,
16 сентябрь,
пайшанба
№ 37 (291)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.supcourt.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЖАМИЯТ РАВНАҚИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини қонуний манфаатларини таъминлаш, шу жумладан, ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ислохотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва бошқичма-бошқич равишда амалга оширилиб келинмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётимизга чуқур татбиқ этилаётгани ёшларимизга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, соғлигини асраб-авайлаш, маънавиятини юксалтириш, қобилияти ва иқтидорини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажagini жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашган ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириш келмоқда. Ёшларимиз сиймосида муайян касб, баъзан бир неча касб мутасассиси сифатида диплом олган, бир неча хорижий



тилни ўрганган, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштирган, мустақил инсон сифатида шаклланган, бир сўз билан айтганда, эл-юрт хизматига шай, юраги ёниб турган навқирон кадрларни кўриб, қалбимизда ишонч, гурурифтхор туйғулари жўш уради.

Жорий «Баркамол авлод йили»да юртимизда ана шундай эзгу ишлар яна-

да чуқурлаштирилди. Зеро, фарзанд хонадонларимиз чироғи, ҳаётимиз давомчидир. Ҳа, айнан фарзандлар туфайли ҳаёт давом этади, миллатимиз, анъана ва қадриятларимиз асрлар оша яшайверди. Шу маънода фарзанда, оила ва жамият таянчи, соғлом, баркамол авлодни дунёга келтирувчи ҳамда тарбияловчи аёлга меҳр-эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг аза-

лий қадриятларидандир. Истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган исчилохотлар жараёнида бу борадаги эзгу анъана ва урф-одатларимиз янгича маъно ва мазмун касб этмоқда.

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган навқирон авлодни турли ҳасталиқлардан асраш, уларни ҳаётга тайёр-

лаш, репродуктив саломатликини мустаҳкамлаш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли ўртасида тарғибот, профилактика ва диагностика ишлари юқори даражада олиб борилаётганлиги боис кўплаб оғир ҳасталиқларнинг ўз вақтида олдини олиш ва уни бар-тариф этишга эришилаётир.

(Давоми иккинчи бетда)

Миллий маънавиятимизни юксалтириш, халқимиз, айниқса, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг бой меросидан баҳраманда этиш — ўғил-қизларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Ustixor

Улуғ алломага эҳтиром

Шу боис ҳам мамлакатимизда демократик, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, юрт келажаги бўлган ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳияти, эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш юзасидан амалга оширилаётган янгиликлар ва ўзгаришлар жараёнида маънавий-маърифий ислохотларга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунда миллий ўзликини англаш, умрбоқий анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш, янада равақ топтириш, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, тарғиб этиш орқали ёшлар тафаккурини, маънавиятини бойитиш билан боғлиқ масалалар муҳим ўрин тутуди. Шуни ҳисобга олиб юртимизда буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тасдиқ этиш, улар номи билан боғлиқ муқаддас қадимжон ва тарихий обидаларни обод этиш, асраб-авайлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди ва бу хайрли иш исчило давом этирилмоқда. Жумладан, Самарқандда ҳам халқимизнинг фахри бўлган Имом Бухорий, Абу Мансур Мотурудий, Амир Темуру, Хожа Ахрор Валий, Мирзо Улуғбек каби улуғ зотларнинг муборак ном-



Улуғбек обсерваторияси саналари халқаро миқёсда кенг қўлланилган.

1994 йили Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳридаги

Улуғбек обсерваторияси ва мадрасаси ҳудудида кенг қўлланилган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Mohiyat

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг III япи мажлисида жамиятимизнинг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи ҳужжатлар қабул қилинди. Президентимиз тақдимида биноан қабул қилинган Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори ана шундай муҳим ва долзарб ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир.

Амнистия — бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси

Амнистия халқимизга хос азалий қадриятлар саналган кеңирилик, бағрикенглик, инсонпарварлик намунаси бўлиб, юртимизда жамият ва давлат ҳаётида муҳим ҳисобланган саналар ёки байрамлар арафасида бундай ҳужжатни қабул қилиш анъанага айланган. Қолаверса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомиди ўз аксини топган халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари, жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилига асосан амнистия акти инсонпарварлик ёндашувининг ёрқин мисоли бўлиб, жиноят содир этган шахснинг жамиятга яна фаол аралашиб, ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишига кенг имконият яратди.



да жами 19 та амнистия акти эълон қилинган. Буларнинг барчаси бағрикенглик, меҳр-мурават давлатимиз олиб бораётган сиёсатга хос эканлигининг ёрқин тасдиғидир.

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорни шартли равишда уч қисмга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи қисмда амнистия актида белгиланган имтиёзлар назарда тутилган.

Иккинчи қисмда мазкур имтиёзлар татбиқ этилмай-диган ҳолатлар белгиланган.

Учинчи қисмда эса мазкур қарорни амалга оширишга доир қоидалар назарда тутилган.

тўғрисидаги қарорнинг имтиёзлар назарда тутилган биринчи қисмининг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталадиган бўлса, 1-бандда:

— аёллар;
— жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
— 60 ёшга тўлган эркеклар;

— чет эл фуқаролари жазодан озод қилиниши назарда тутилган.

Дарҳақиқат, амнистия актида аёлларга алоҳида эътибор берилган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, оила аёлнинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Мазкур қарор жиноят йўлига адашиб кириб қолган, ўз қилмишидан тўғри хулоса чиқариб олган аёлларнинг оиласи бағрига қайтишига имконият яратди.

(Давоми учинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Мустақил тараққиёт йўлининг негизиди «Ўзбек модели» сифатида дунёда тан олинган беш тамойил мавжуд бўлиб, улардан бири — кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатидир. Истиқлолнинг ўтган даврида ана шу тамойилни ҳаётга жорий этиш учун юртимизда кенг қўлланилган ислохотлар амалга оширилди ва бу жараён исчило давом этирилмоқда. Бу эса пировард натижада халқимизнинг эркин ва фаровон турмушининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими унинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди

Айтиш жоизки, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида ижтимоий муҳофазага биринчи галда муҳтож бўлган аҳоли тоифалари — кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, өтим-есир ва ногиронлар, талаба ва нафақахўрларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этишга алоҳида эътибор қаратилди. Айни шундай мақсадлар учун мамлакатимизда давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ йилдан-йилга тобора ортиб бормоқда. Жумладан, 2009 йилда ижтимо-

ий соҳага 6,1 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса, 2010 йилда бу 8,1 триллион сўмни ташкил этди. Шунингдек, мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қисмини кўллаб-қувватлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш талаба ва нафақахўрларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этишга алоҳида эътибор қаратилди. Айни шундай мақсадлар учун мамлакатимизда давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ йилдан-йилга тобора ортиб бормоқда. Жумладан, 2009 йилда ижтимо-

хар йили ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтиришга қаратилган махсус қарорлар қабул қилиниб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган исчило ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди ва у амалда ўзини оқламоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Huquqiy ma'rifat

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш

уни қўшимча жазо чораси сифатида қўллаш тартиби

Маълумки, қўшимча жазо чораларини қўллаш янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишда жуда катта аҳамиятга эга. Шунга кўра, судлар ҳукми чиқариш пайтида асосий жазо билан бирга тегишли қўшимча жазо қўллаш масаласини ҳам муҳокама қилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш давлатнинг мажбурлов чораси сифатида ўзининг алоҳида тавсифи билан ажралиб туради. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ўз моҳиятига кўра, жиноят айбланувчи шахснинг мансаби ёки касби билан боғлиқ ҳолатларда содир қилинганда жиноий фаолиятни давом эттиришининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Ушбу жазонинг мазмуни айбдорга муайян мансабини эгаллаш, у ёки бу фаолият тури билан шуғулланиши тақиқлашдан иборатдир.

Муайян лавозимни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш деганда, Жиноят кодекси талабига биноан, корхона, муассаса ва ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллаш ёхуд муайян мансаб билан боғлиқ бирон-бир ҳаракатни амалга оширишни тақиқлаш тушунилади. Бу жазо тури содир этилган жиноят шахснинг бевосита муайян ҳуқуқи билан боғлиқ бўлсагина қўлланилади. Суднинг айблов ҳукмида маҳрум учун тақиқланган фаолият тури ва эгаллаши мумкин бўлмаган мансаби аниқ кўрсатиб ўтилади.



(Давоми учинчи бетда)

Saboq

Маълумки, ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланишнинг муайян тартиб-қоидалари бор. Фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига қонун буйича тегишли бўлган ердан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга. Меъёрий ҳужжатларга риоя қилмаслик эса қонун бузилиш ҳолатига олиб келади.

Қонунга таянган адашмайди

Олтинсой туманидаги «Орифжон Гиёсий» фермер хўжалиги раҳбари Ориф Насриддинов ҳамда Денов туманига қарашли «Ўзгариш» маҳалласида истиқомат қилаётган ака-ука Исомиддин ва Искандар Алиевлар амалдаги қонунларга зид равишда ўзбошимчилик билан иш тутишган. Улар тегишли ҳужжатларсиз ерга эгаллик қилиб, иморат қуриб олишди.

Кейинчалик мутасадди идора ходимларининг текшируви давомида уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига ойдинлик киритилди. Гап шундаки, Олтинсой тумани кишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг маълумотига кўра, оптималлаштириш жа-

раёнида тумандаги «Орифжон Гиёсий» фермер хўжалиги таркибига узумчиликка иқтисодлашган «Сирож Насриддинов» фермер хўжалиги ҳисобидидаги 0,35 гектар, «Аноров Даврон» фермер хўжалигига қарашли 0,40 гектар майдон киритилиб, йириклаштирилган.

Эндиликда ушбу майдонда мутахассислар томонидан мониторинг ўтказилганда, «Орифжон Гиёсий» фермер хўжалиги томонидан өрнинг фақатгина 0,25 гектарига ток қўчатлари экилганлиги, қолган 0,50 гектар ер майдонидан эса ток қўчатлари ўтказилмасдан фойдаланиб келинаётганлиги маълум бўлди.

(Давоми иккинчи бетда)

Iftixor

Улуғ алломага Эҳтиром

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Шаҳардаги асосий кўчалардан бири, шунингдек, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига улуғ аллома номи берилди.

Буюк фалакиётшунос олим таваллудининг 615 йиллиги муносабати билан 2009 йил бутун дунёда «Халқаро астрономия йили», деб эълон қилинди. Юртимизда, жаҳоннинг турли мамлакатларида Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси мавзусида қатор халқаро анжуман ва симпозиумлар ўтказилди. Ушбу тадбирларда буюк бобокалонимизнинг дунё астрономия фани ривожига қўшган улкан алоҳида эътироф этилди. Мирзо Улуғбек томонидан 1428 — 1429 йилларида Самарқанд шаҳри яқинидаги Кўхак тепалигида, Обирахмат ариғи бўйида бунёд этилган уч қаватли улкан расадхона ва ундаги радиуси 40,2 метрлик секстант самодари минглаб юлдузлар характерини кузатиш имконини бергани ва коинот илмига доир бир қатор математик рақамлар аниқ баён этилгани билан дунёдаги расадхоналардан ажралиб тургани яхши маълум.

Жорий йилнинг март ойида Президентимизнинг та-

шаббуси ва тавсияси билан Мирзо Улуғбек расадхонаси худудида кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари бошланди. Музейнинг эски биноси бузилиб, унинг ўрнида замонавий лойиҳа асосида расадхонанинг қадимий кўринишини эслатадиган янги бино қуришга киришилди. Музей ва расадхона ташқи девор қисми мозаика ва майолика билан безатилди. Музейга қирадиган икки томонлама зиналар гранитдан ишланди. Зинапоя четига ўрнатилган 208 метр узунликдаги замонавий, кўркам панжаралар Самарқанддаги «Кинап» заводидан тайёрланди.

Самарқанд шаҳрида мазкур музейнинг ҳамда Мирзо Улуғбек ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мирзо Улуғбек ҳайкали музейнинг замонавий кўринишига мутаносибдир. Ҳайкал Ўзбекистон халқ рассоми Равшан Мирзоиев томонидан яратилди. Ҳайкалнинг орқа томонидаги юлдузли осмон тасвири туширилган панно ҳам унинг мазмунини тўлдириб турибди. Бу иш Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси Рустам Солижонов ва унинг шогирдлари томонидан bajarилди.

Расадхона худудида ўрнатилган замонавий чи-роқлар тунда ҳам мажмуа-

ни нурга тўлдириб, унинг жозибасини янада оширади.

Янги музейнинг экспозицияси ҳам унга мос тарзда, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бадий академия томонидан яратилди. Экспозиция асосан икки қисм ва олти бўлимдан иборат. Биринчи қисмда Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби сифатидаги, иккинчи қисмда эса унинг олимлик фаолияти ҳақида хикоя қилинади.

Музейда Мирзо Улуғбек даврига хос юздан зиёд ашёлар намойиш этилмоқда. Шунингдек, бу ерда кўшимча равишда макетлар, муляжлар, китоблар, асл нусхадаги секстант асбоби бўлаги ҳам мавжуд. Музей экспозициясида Мирзо Улуғбек билан боғлиқ маълумотлар иккита сенсорли компьютерда намойиш этилади.

Мазкур мажмуа халқимизнинг буюк мунажжми, фалакиёт илми султони Мирзо Улуғбек даҳосига чексиз эҳтиром бўлиб, бу иншоот фақат зиёратгоҳ бўлиб қолмай, алломанинг илмий меросини ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

УЗА материаллари асосида тайёрланди

2010-йил — Barkamol avlod yili

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбарининг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда тиббий илмий марказлар, соғлиқни сақлаш муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан бир қаторда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ҳам кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

— Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, «Соғлом она — соғлом бола» дастурининг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш, турғуқ ёшидаги аёлларга кўрсатилаётган тиббий хизматни янада такомиллаштириш, жисмонан ва маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш борасида жамғарма томонидан изчил ишлар амалга оширилмоқда, — дейди жамғарманинг оналик бўлими бошлиғи Жумабек Нуров. — Шу йилнинг ўтган саккизи ойи давомида республикамизнинг барча вилоятларидан бемор ва ногирон болалар мамлакатимиз ва хорижий давлатлар шифохоналарида соғломлаштирилди. Жумладан, лаб танглайда ва оёғида тугма нуқсонли бор болалар мамлакатимиз шифохоналарида, ўндан зиёд ўғил-қиз Германиянинг нуфузли клиникаларида жарроҳлик йўли билан даволанди. Шунингдек, юрғида тугма нуқсонли бўлган болаларни соғ-

Жамият равақининг муҳим кафолати



ломлаштириш борасида Жанубий Корея билан ҳамкорликда лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жорий йилда корейлик мутахассислар юртимизга ташриф буюриб, 50 нафардан зиёд болаларни тиббий кўриқдан ўтказди. Хасталик аниқланган болаларнинг юртимиз ва Корея шифохоналарида жарроҳлик йўли билан саломатлиги тикланди.

Бугунги кунда жамғарманинг вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 14 та тиббий-ижтимоий маркази фаолият юритмоқда. Мазкур марказлар томонидан чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар шифокор-мутахассислар томондан тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Жамғарманинг Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий маркази мутахассиси С.Жамбекованинг айтишича, жорий йилнинг ўтган даврида республикада мавжуд тиббий-ижтимоий марказлар томонидан бир юз эллик минг нафарга яқин аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилган бўлса, уларнинг саксон фоизини аёллар ва болалар ташкил этди.

Бугунги кунда мутахассислар кузатувлари натижасида ҳомилада тугма нуқсон бўлишига турли тиббий генетик омиллардан ташқари, инсон ҳаёти учун зурур бўлган витаминлар ва фоллий кислотасини етарли даражада истеъмол қилинмади ҳам сабаб бўлиши аниқланди. Ана шундай муаммоларнинг олдини олишда аёлларни ҳомиладор-

лик даврида етарли витаминлар ва препаратлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 июлда қабул қилинган республикамизнинг қишлоқ ва туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қарори бу борадаги муаммоларни бартараф этишда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу ҳужжатда қишлоқ ҳаётларида тиббий-профилактика хизмати самарадорлигини ошириш, бўлажак оналар ва болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадига таркибидо фоллий кислотаси мавжуд умумий қувватлантирувчи поливитаминлар етказиб бериш вазифаси кўзда тутилган.

Жамғарма ва унинг вилоятлардаги филиаллари томонидан мазкур қарорда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан аҳоли, айниқса, бўлажак оналарга витаминларнинг организм учун аҳамиятли жиҳатлари кенг тарғиб қилинмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган бу каби хайрли ишлар замирида бахтли ва фаровон ҳаёт кечирishiимиз, ўсиб келаётган навжорон авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб шаклланишидек эзгу интилишлар мужассам. Шундай экан, ҳар бир инсон, энг аввало, ўзининг, фарзандининг соғлиғига беэътибор бўлмастлиги лозим. Зеро, соғлом ва баркамол, ҳар жиҳатдан етук авлод нафақат оиланинг, балки жамиятнинг ҳам мустаҳкам пойдеворидир.

Гўзал САТТОРОВА

Qonun ko'magi

Тадбиркор — қонун ҳимоясида


Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Аини пайтда, мазкур тармок янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётди. Шу бос саноатининг янада ривожланишини рағбатлантириш маҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори аини шу мақсадга хизмат қилмоқда. Шу асосда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун кўшимча равишда қулай шарт-шароитлар яратилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан назорат янада кучайтирилди.

Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя этилишини мониторингини олиб бормоқда. Уларнинг тадбиркорлар ҳуқуқларини бузадиган қарорларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас (ноқонуний) деб эътироф этиш тўғрисида, шунингдек, тадбиркорлар ҳуқуқларини чекловчи қарорлар қабул қилган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилиши таъминланмоқда.

— Маълумки, бугунги кунда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида тадбиркорлар томонидан туланадиган айрим турдаги тўловлар бир неча баробар камайтилди, — дейди Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи Акрам Халилов. — 2009 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик субъектлари учун кадастр хизматларини расмийлаштиришда ўрнатилган тўлов суммаси 50 фоиз, геодезия, топография ишлари ва бошқа турдаги хизматлар бўйича 40 фоиз камайтирилди.

Тадбиркорлар учун бундай имконият яратилганига бир йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Аммо тадбиркорлик субъектларига кадастр ҳужжатлари тайёрлаб беришда улардан ортиқча маблағ ундириш ҳолатлари ҳамон учираб турибди. Жумладан, Гиждувон туманида фаолият кўрсатаётган яққа тартибдаги тадбиркор Фазлиддин Вафоев ўзига тегишли бўлган савдо объектларининг кадастр ҳужжатларини тайёрлаб беришга сўраб туман кадастр хизматига ариза билан мурожаат қилган. Бироқ кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнида тадбиркордан 56 минг сўм ўрнига 84 минг сўмдан ортиқ маблағ ундирилган.



Мазкур ҳолатлар юзасидан Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан Гиждувон тумани ер ресурслари ва давлат кадастр хизматидан тадбиркорлардан ортиқча ундирилган пул маблағларини қайтариш ва етказилган маънавий зарарини ундириш тўғрисида судга етти даъво аризаси киритилди. Суд қарорларига асосан айдорлардан тадбиркорлар фойдасига 220 минг 786 сўм моддий ва 175 минг сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаш тўғрисида судларга юздан зиёд даъво аризаси киритилди. Қўрилган чоралар натижасида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаган давлат бошқаруви идораларининг 50 ноқонуний қарори бекор қилинди. Шунингдек, адлия бошқармасининг тақлифлари ҳамда расмийлаштирилган баённомаларига асосан 46 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, унинг ишонгли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, бу йўналишда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда тўлиқ ва бир хилда ижросини ташкил этиш — барча давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг устувор вазифасидир. Амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини чуқур билмаслик эса юқоридаги каби ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Шу бос тадбиркорлик оид қонун ҳужжатларига риоя қилинишини яхшилаш, соҳага оид янги йирикликни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида жойларда тарғибот ишлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА

Saboq

Қонунга таянган адашмайди

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)


Шу билан бирга «Ориф-жон Гийсий» фермер хўжалигига бириктирилган ҳамда туман ҳокимлигининг заҳирасида турган 1,60 гектар майдондаги мевали боғнинг 1,18 гектарига шартномавий режалаштирилмаган ҳолда ғалла экилган. Қолган 0,42 гектар майдондаги боғ ораси очиқ қолдирилиб, номигагина ҳайдаб қўйилган, холос. Устига-устак фермер хўжалиги даласида ноқонуний тарзда иккита иморат қурилганлиги аниқланган.

Денов тумани прокуратурасининг судга киритган даъво аризасида таъкидла-нишича, Сурхондарё вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг Денов тумани прокурорига ёзган хатидан маълум бўлишича, пахта ва ғаллачилик йўналишидаги «Холиқов Шухрат» фермер хўжалигига қарашли 568-контурдаги суғориладиган ер майдонининг 0,26 гектари ака-ука Алиевлар томонидан ўзбошимчалик

билан эгалланиб, 0,03 гектарда уй-жой қуриб олинган, қолган 0,23 гектарига эса ғалла экилган.

Аслида Денов тумани ҳокимининг қарорига бинон тумандаги «Ўзғариш» маҳалласи худудидан ака-ука Алиевларнинг ҳар бирига 0,08 гектардан уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилган.

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек. Ака-укалар ҳокимият қарорига мувофиқ ер участкасига эга бўлишган. Бироқ улар қонунга нописандлик билан караб, узок йилдан буён фаолият юритиб келаётган «Холиқов Шухрат» фермер хўжалигининг ер майдонига ҳам кўз олайтиришади. «Бу ташландиқ жойни ўзимиз ишлов бериб, ўзлаштирганмиз», деган баҳонани рўҳач қилиб, яна кўшимча 0,10 гектар ерни гайриқонуний равишда эгаллаб олишган. Фермер хўжалиги раҳбари Шухрат Холиқовнинг ака-укаларни инсофга чақириб, ерни фермер хўжалигига қайтариб беришни сўраб қилган барча ури-



нишлари зое кетди. Шундан сўнг у ваколатли идораларга мурожаат қилди. Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатларига кўра, ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга гайриқонуний равишда эгаллик қилган ва фойдаланган вақтида қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади. Ер участкаларидан фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш, шу жумладан, ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини

ўзбошимчилик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади. Шунга асосан суд Олтинсой туманидаги «Ориф-жон Гийсий» фермер хўжалиги бошлиғи Ориф Нарсидинов томонидан ўзбошимчилик билан қурилган иморатлар унинг ҳисобидан бузиб ташланиши ҳамда Денов туманидаги «Холиқов Шухрат» фермер хўжалигига тегишли бўлган 0,10 гектар ердан ака-ука Исомиддин ва Искандар Алиевлар мажбурий равишда чиқарилиб, ер

участкаси дарҳол фермер хўжалиги ҳисобига қайтарилиши хусусида ҳал қилув қарори чиқарди.

Албатта, бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг барча жаҳаси қонунчилигимизда қамраб олинган. Бошқача айтганда, бирор-йўли муаммо йўқки, қонун йўли билан ҳал этилмас! Бунда шунга эътибор бериш керакки, қонунга таянган киши адашмайди, қонунни писанд қилмаган кимса эса, мақсадига етолмайди. Бош қонунимизда ҳам қатъий белгиланганидек, ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини амалга оширмоқчи бўлган киши давлат ва бошқа фуқароларнинг манфаатларига зарар етказмаслиги лозим. Шундай экан, ўзининг тор манфаатини кўзлаб, қонунга зид иш тутган киши, албатта, қонун чиғиримидан ўтшиши ҳеч бировнинг эсдан чиқармаслигимиз ва ҳар бир ишимизда қонунни дастуриламал қилмоғимиз мақсадга мувофиқдир.

Ражабгул ГУЛМАТОВА, фуқаролик ишлари бўйича Денов туманларо судининг раиси Абдунаби БОБОЁРОВ, «Куч — адолатда» муҳбири

Qilmish-qidirmish

Эгри йўл

да суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар бугун ўзининг аниқ самарасини бермоқда. Учинчидан, ҳуқуқ-тартибот идораларининг самарали фаолияти фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда муҳим омил бўлаётгани, пировардида давлат ва жамият, шунингдек, инсон манфаатларига зид келувчи ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқбузарлик, жинсий хатти-ҳаракатга ўз вақтида чек қўйилмоқда.

Жиноят ишлари бўйича Собир Раҳимов тумани судида ҳам нопок нафсини тиймай, тинчлик, осойишталик, фаровонликка раҳна соладиган гийҳвандлик моддаларини тарқатишга уринган кимсаларнинг қилмишига яраша ҳазо тайинланмоқда. Шундай кимсалардан бири Намоз Тошбоевдир. Унинг «таржима ҳоли», афсуски, бирова ибрат бўларли эмас. Чунки Н.Тошбоев бир эмас, икки эмас, нақ етти марта жиний қилмишга қўл урган. Олий Махлис Сенатининг 2007 йил 30 ноябрда «Амнияти тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жазодан озод этилган Н.Тошбоев уйда тинчгина умргузаронлик қилиши

лозим эди. Ростдан ҳам, олтишдан ўтган киши ўтаётган умр ҳақида бошқалардан кўра кўпроқ ўйлаши, набиралирга, ёшларга насиҳат қилиши керак эмасми?..

Аммо... 2009 йилнинг 20 июль куни. Ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари томонидан шубҳа остида ушланган К.Назаров исмли шахс холис гувоҳлар иштирокида текширувдан ўтказилганда, унинг ёнидан қоғоз бўлағига ўралган героин гийҳвандлик моддаси топилади. Тезкор суриштирувлар натижасида К.Назаровнинг гийҳвандлик моддасини таниши Т.Ботировдан олгани маълум бўлади. Миллиция ходимлари Т.Ботировнинг йўлини кўздан кечиришганда хонадан шиша идишларга қўйилган суюқ қўриқнинг гийҳвандлик моддалари топилади.

Дастлабки тергов идораси томонидан сўроқ қилинганда Т.Ботиров гийҳвандлик моддасини ўзи ва К.Назаров учун Н.Тошбоевдан сотиб олганлигини билдиради. Шундан сўнг калаванинг учи туташган Н.Тошбоев сўроққа тортилади...

Hikmat

Oila rishtalari

Тотувлик асоси

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ

Фақат ўзини ўйлайдиган, ҳамма нарсадан ўзига манфаат излайдиган одам бахтли бўлмайди. Ўзинг учун яшамокни истасанг, бошқалар учун яша.

Билмаганингни ҳамма вақт ҳам гапирганига, аммо гапирганингни ҳамма вақт бил.

Ёшлик ҳаммиса фидойилликдир.

Тахриба — йўлингданги нурафшон шамчирик.

Ўзгаларга бирон нарса дейишдан аввал, ўзингга айтиб кўр.

Тана учун кўркамлик қанчалик зарур бўлса, ақлга ҳам нафислик шу қадар зарур.

Ота-она учун энг улуғ неъмат — фарзанднинг соғлиги, десак, асло хато бўлмайди. Зеро, «Боланинг қўлига кирган тикан онанинг қалбига санчилади», деган гапда заррача муболага йўқ. Албатта, саломатлик ҳаммага керак. Айни пайтда бунинг учун киши муайян талабларга риоя этиши ҳам даркор.

Яқинда бўлимизга юмуш билан келган бир аёл туғилганидан буён ўлкасига ҳаво етишмаслигидан азоб чеккан фарзанди ниҳоят дардан буткул халос бўлганини суюниб гапириб берди. Онанинг гапларига қараганда, болани тузатиш учун кўрсатмаган жойлари, учрамаган шифокори қолмабди. Ота-она сарфлаган маблағни эшитиб, соғлиқнинг қанчалик бебахо эканлигига яна бир қарра амин бўлди.


Тўри, дилбанднинг жони оғриб турганда қайси ота-онанинг кўзига мол-дунё кўринади?! Аммо «Касални доволагандан кўра, унинг олдини олган афзал», деган ҳикматдан ҳаммаимиз хабардормиз. Оилада соғлом фарзанд дунёга келиши ҳақида гап борганда, бу ҳикмат ўзига хос маъно касб этади. Чунки...

Тиббиёт тахрибасидан аёни, туғилаётган фарзанд кўпинча ота-онадаги ирсий ёки сурункали хасталикни ўзига «мерос» қилиб олади. Бунга кўпинча яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳам сабаб бўлади. Холбуки, бундай

ҳолатларнинг олдини олиш мумкин. Турмуш қураётган ёшларнинг ўз соғлиқлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарарли оқибатлари тўғрисида бошқабар эканлиги келажакда соғлом фарзандлар дунёга келиши ва пировардида оила мустақамлигининг асосий омилдир.

Кези келганда шуни айтиш керакки, истиқлол йилларида юртимизда бу масалага жиддий эътибор қаратилди, соғлиқни сақлаш тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Оила кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига биноан, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби жорий этилди. Оила кодексининг тиббий кўриққа доир 17-моддасида белгилангандек, никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида белгиланган тартибда тиббий кўриқдан ўтказилган.

Тиббиёт муассасаларида никоҳланувчи ёшлар, Низомга мувофиқ, «...психик, нарколептик, таносил касалликлари, сил касаллиги ва ОИВ (ОИТС) юзасидан тиббий кўриқдан ўтказилган. Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Никоҳланувчилар тиббий кўриқдан



ўтиши, албатта, ҳаётини зарурат, шу билан бирга муайян шарт-шароитлар инобатга олинган ҳолда эллиқ ёшдан ошган никоҳланувчи шахсларнинг тиббий текширувдан ўтиши ихтиёрий қилиб белгиланди.

Никоҳдан ўтувчиларни рўйхатга олиш, никоҳланувчи ёшларнинг тиббий ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда оилага ҳурмат руҳини қарор топтириш борасида ФХДЭ идоралари фаолияти ҳам муҳим ўрин тутди. Туманимиз ФХДЭ бўлими фаолияти бунга яққол мисол бўлади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайлида бўлимизда 1256 нафар шахсларнинг никоҳи қайд этилди. Ушбу оилавий ҳуқуқий кўриқдан барчаси тиббий кўриқдан ўз вақтида ўтгани кувонарлидир. Чунки бу ёшларимизнинг ушбу ҳаётини

викот, эркин ва очик мулоқотлар тиббий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оилавий муносабатлар ҳақида мукамал тасаввур уйғотишда муҳим аҳамият касб этади. Туманимиз ФХДЭ бўлими қошидаги «Ёш оила» мактабининг бу йил ўтказилган 6 та семинар-машулотда турли ёшдаги қатнашувчилар билан бирга 222 нафар никоҳланувчи ёшлар ҳам иштирок этишгани кувонарлидир. Чунки бу сингари тарғибот-ташвиқот тадбирларининг мунтазам ўтказилиши яқши самара берапти. Туманимизда оилавий ажралиш ва нотинч хонадонлар сони йил сайин камаётгани фикримиз далилидир. Оилавий муносабатларни ривожлантириш мақсадида ташкил этилаётган тадбирларимизда туманимиздаги мутасадди идоралар: туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, ёшлар ташкилотлари, прокуратура-суд идоралари, маҳалла жамоатчилиги фаол қатнашмоқда.

Оила бахти — тинчлик-хотиржамлик, ҳузур-ҳаловатда, соғлиқ-саломатликдир. Чинакам оилавий бахт ҳам саломатлик замирида вужудга келади. Шу боис ҳам сиҳат-саломатликни хонадоннинг ҳақиқий тотувлик тумори десак, ўринли бўлади.

Шоира БОЛТАЕВА, Бош тумани ФХДЭ бўлими мудираси



Шахмат ҳангомалари

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Турнирлардан бирида Паул Керес билан ўйнаётган Таль дебютдаёқ сипоҳини қурбон қилади. Унинг омади чопаетгандек эди, аммо шу лаҳза эстониялик гротсмейстер узок ўйланиб қолади ва... шартга котиб омади ечиб ташлайди. Шундан сўнг у совуққонлик билан рақибининг ҳужумини бартараф этиб, ғалаба қозонади.

— Мен ҳамма вариантларни аниқ ҳисоблаб чиқувдим,— дейди Таль рақибини ютуқ билан табриқларкан,— аммо энг қалтис вазиятда котиб омаднинг ечишини эчиб ташлаб олман.

Шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Михаил Талнинг ўйинидан қониқмаган бир муҳбир «Шунақасиям бўладими? Олтинчи синф ўқувчиси топа оладиган оддий юришни кўра олмади-я!» — деб ёзади. Таль бунга жавобан шундай дейди: «О, агар мен ҳозир олтинчида ўқиганимда эди, энг зўр юришни топган бўлардим!».

Петросяниннинг хотини эрини шахматга алоқаси бўлмаган жамики рўзгор ташвишларидан халос қилганди. Уларнинг эски, торгина уйларига тез-тез бори турадиган таниши орадан бир йил ўтгач, Петросянинларнинг янги, кўпхонали муҳташам хонадонини кўриб, оғзи очилиб қолади. Кейин у Котовни учратиш қолганда сўрайди:

— Петросян қандай қилиб камтарона уйини бунақа саройга алмаштира олди?

Гротсмейстер донишмандларча жавоб қилади: — Петросян фақат филни отларга алмаштиришни билди, холос. Қолган барча нарсаларни хотини алмаштиради.

Давоғарлар матчида Фишерга 6:0 ҳисобида ютқазиб қўйган гротсмейстер Марк Таймановдан сўрашади:

— Фишерда ҳазил туйғуси борми?

— Ҳойнаҳой, бўлса керак, — жавоб қилади Тайманов,— аммо ўйин пайтида бунинг унга кераги бўлмайди. Аксинча, унга ютқазган рақибларига бу туйғу кўпроқ керак бўлади.

Роберт Фишер ўйин пайтида мулкаво жимжитликни хоҳлар, заррача шовқинга ҳам чидамасди. Шахмат тожи унчун Спасский билан бўлаётган матчидаги партиялардан бирида у бирдан нигоҳини тахтадан узди, норози оҳангда хитоб қилди:

— Ўн иккинчи қаторда ўтирган ҳой қиз! Дарҳол обакни сўришни бас қил!

— Мен эндигина учинчисини қўлимга олудим, — дея ўзини оқлашга уринади ёш исланд шахматчиси Астрид Бьерндоттир.

— Учинчисини эмас, еттинчисини, кичкинтой ёлгончи, — дея эътироз билдиради Фишер, — мени санамаяпти деб ўйлаясанми?

Фишер қайсидир бир мусобақада Спасскийдан қақшатқич мағлубиятга учрайди.

— Сиз, ҳойнаҳой, бундан азият чеккандирсиз? — деб сўрашади Боббидан.

— Мулкаво!— дея эътироз билдиради у. — Агар мен бирон партияни ютқазиб қўйсам, бамисоли Капабланкадай, ўзимни гадога садақа берган султonga ўхшатаман.

Гротсмейстер Найдорф ҳаммиса юксак дид билан, чиройли кийиниб юрар, костюмларини тез-тез алмаштириб турар эди.

— Нечта костюмингиз бор ўзи? — дея ундан сўрайди бир кун ёш Фишер.

— Бир юз элликта, — бажонидил жавоб беради машҳур гротсмейстер.

Бундан ҳайратланган Фишер ўшандан сўнг костюм йиға бошлади. Орадан бир неча йил ўтгач, Найдорфни учратиш қолган америкалик чемпион мактабининг дейди:

— Сизнинг рекордингизни янгиладим! Менинг кийим жавонимда бир юз эллик еттита костюм бор!

— Қойил, Бобби, — дея уни табриқлайди Найдорф. — Аммо сиз беҳуда жонингизни қойитибсиз. Мен ўшанда ҳазиллашганим, бор-йўғи бешта костюмим бор, холос.

(Давоми бор) Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

Кишилар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатликни мустақамлайдиган энг гўзал инсоний фазилатлардан бири ишончдир. Шу боис ҳам ишончга лойиқ одамлар ҳаётга нечоғал обрў-эътиборга эга бўлишса, лафзсиз, кимсалар шунчалик назардан четга қолади. Таассуфки, ҳаётга қалта ўйлаб, арзимас мол-дунё илҳини ўзларига нисбатан инсонни йўқотаётган кимсалар ҳам учраб туради.

Ўтмаган ҳийла

Кизиғи шундаки, кўзи қилиб, ширин сўзлаб турган кишининг кўнглидан нималар ўтаётганини билиш мушкул. Денослик Нажим ака (исм-шарифлар шартли) ҳам Мирзога «Нексия» русумли автомашина сотиб олиш учун 16,5 миллион сўм санаб берганида, бу ҳақда мутлақо ўйлаб кўрмаган эди.

«Нексия»нинг хоҳлаган русумидан олиб бераман, сиз танласангиз бўлди! — деб қолди Мирзо Нажим акани туман марказидаги машина бозорида учратиб. — Андижонда зўр танишларим бор. Бозордан машина оламан, деб овора бўлиб юрманг. Пулини нақд қилсангиз, ўн-ўн икки кун ичида яп-янги машина остонангизда туради!

Нажим ака «Мирзонинг ачадан буён танисам, устига-устак, мачитда имом-хатиб ёрдамчиси бўлиб ишлайдиган йигит бировни алдамас. Тақводор одамни алдайди, дейиш ҳам яқши эмас», деган ўйга борди-да, ўгли Шарофдиннинг гувоҳлигида Мирзога 16,5 миллион сўм берди.

Ҳадемай Мирзо ваъда қилган мuddат ҳам ўтди, бироқ машинадан дарак бўлавермади. Нажим ака ҳар гал сўраганида у: «Ака, бироз сабр қилинг, танишларимнинг айтишича, машина ҳали келмабди», дейишдан нарига ўтмасди.

Шу таразда орадан бир йил ўтди. Аммо Нажим аканинг машинали бўлиш орузиси орузлигича қолаверди. Охири Нажим Гуфронов туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилди.

Суриштирув ва тергов давомида Мирзо ҳуқуқ ҳимоячиларини ҳам зўр бериб қалғишига уринди. Бироқ у туркидан чўлчаклар сувага чўкаётган одамнинг хасга ёпишишига ўхшарди.

Суд М.Мардоновга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми «а» бандига кўра, жазо тайинлади. Шунингдек, унинг ҳисобидан давтоғор Нажим Гуфроновга етказилган 16,5 миллион сўм зарарни ундириш ҳусусида ҳукм чиқарди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, аввало, бировнинг ҳақиқа ҳиёнат қилган, нопоклидан парҳез қилмаган киши қаттиқ адашади. Масаланинг иккинчи томони шундан иборатки, М.Мардоновга ўхшаган кимсаларнинг алдовларига учиб, охирида фариб еб қолмаслик учун ҳар бир киши ён-атрофга теран кўз билан боқиб, зийрак бўлиши керак.

Нурилла БОБОЖОНОВ, жиноят ишлари бўйича Денов тумани судининг раиси

Maslahat

Мурожаат қилиш тартиби

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига асосан, мурожаатларда фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, таклиф, ариза ёки шикоятнинг мазмуни ифода этилган бўлиши лозим. Ушбу маълумотлар кўрсатилмаган мурожаатлар аниқман хат қилинади ва кўриб чиқилмайди. Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирмайдиган давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса ёки ташкилотга юборилган бўлса, 5 кун мuddатдан кечиктирмай тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга жўнайтилади ва бу ҳақда фуқарога маълум қилинади. Белгиланган тартибда берилган мурожаатлар кўриб чиқилиш шарт. Мурожаатларни қабул қилишни рад этиш тақиқланади. Башарти мурожаатларда уларнинг тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга жўнайтиш учун зарур маълумотлар акс эттирилмаган бўлса, улар худди шу мuddатда тегишли тушунтиришлар билан фуқарога қайтариб юборилади.

Бир томондан олиб қараганда, ҳаммаси рисолагидек туради. Уч хамтовоқ — Равшан, Бахтиёр ва Аваз жиноятга қўл уришди. Бу қилмишлари учун улар ва шериклари Умид тегишли жазони олди.

Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Жинорий гуруҳ ўз «фаолияти»ни 2009 йилнинг июнь ойидан декабрь ойига қадар, яъни ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинганга даво мuddатини ўтказди. Бу давр мобайлида Равшан номига қирақашлик қилган, холос. Шериклари Бахтиёр билан Аваз эса ҳеч қерда ишламаган.

Уш, нега уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғи, маҳалла-қўй бу йигитларнинг туни бундан қаерларда санғиб юргани, чўнтағидаги жарак-жарак пул қаердан пайдо бўлаётганига қизиқмаган? Умид фаолият юртгаётган бозордагилар-чи? Наҳотки, ҳар қун ҳар хил машина эҳтиёт қисмлари, бунинг устига, аввал фойдаланилган эҳтиёт қисмлар билан савдо қилаётган йигитча ҳеч қимнинг эътиборини тортмаган?!

Кишилар ўртасидаги ахиллик, меҳр-оқибат дахлдорлик туйғусидан кўч олади. Бинобарин, бепарволикка, лоқайликка йўл қўйилган жойда қўридагиларди ноҳушлиқлар келиб чиқади. Умримиз осоийишта, тан-жонимиз саломат, кўнглимиз хотиржам бўлиши учун нафақат ўзимизнинг турмуш қаратишимиз жиддий эътибор қаратишимиз даркор, айни пайтда теварак-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга-да бегона назар билан боқмаслигимиз лозим.

Ана шунда турли нопоқлик илҳинида юрганларнинг «ов»и бароридан келмайди, аксинча, пайи қирқилади.

Баҳодир Юлдашев, жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани судининг раиси Ислам ХАМРО, журналист

Jinoyat va jazo



ган 6-уйининг олдида турган Б.Қудратовга тегишли «Матиз» биринчи «ўлжа» бўлди. Уч хамтовоқ «Матиз»нинг унга гилдирагини умариб, воқеа жойидан қўйиб бўлишди. Бу жинорий қилмиш оқибатида Б.Қудратовга 600.000 минг сўмлик зарар етди. Эртаси куннинг ўзидаёқ Бахтиёрнинг таниши Умид улфатларнинг қўлига 300.000 минг сўм тутқазди.

Кечгача тараллабедод қилишган хамтовоқлар яна жинорий режа тузишди. Режага биноан, бир марта «ов»га борилган манзилга иккинчи бор қаддам қўйилмайди. Бундан ташқари навабдаги «ов»да бирданга бир неча машинани умаришни кўзлашди.

Улар 21 июндан 22 июнга ўтар кечаси аввалдан келишилган жойда учрашди. Бу гал маслаҳатлашиб, Равшаннинг ижарига олинган «Жигули»сида кундуз кунни тўплан-

ган «маълумот»ларга асосан, пойтахтнинг Шайхонтоҳур тумани Ибн Сино мавзесида жойлашган 16-уй томонга йўл олишди. Соят. 01.00 дан 04.00 га қадар Д.Давроновга тегишли «Нексия», Н.Нодировга тегишли «Матиз» ва В.Лазизовга тегишли «Нексия» русумли машиналарнинг эҳтиёт қисмларини ўғирлаб кетишди. Умарилган эҳтиёт

Куч—АДОЛАТДА
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ХАМРОЕВ
ТАХРИР ХАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФАЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАХМОНОВ
Мавжуда РАҲАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмуҳин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЙОНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБЕКОВ
Шононур ҲАМИДОВ
Баҳриддин НАИМОВ
Навбатчи муҳаррир
Алибек ЭРҲАШЕВ
Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55
Буюртма: Г-818. Қоғоз бичими: А-2.
Сотувада эркин нархда. Адади: 7056.
1 2 3 4
Топширилди: 22⁰⁰